

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-3.20

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СОЛИҚ ТАРИХИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Шеннаев Х.,
к.ўқ. Исамухамедова С.

Такризчилар: доц. Холбеков А.,
доц. Альмардонов М.

"Солиқ тарихи" фани солиқларнинг пайдо бўлиши, илк кўринишлари, ривожланиш босқичлари, мамлакатларимиз худудида солиқларни ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари, солиқларга бўлган илмий ёндошувларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, давлатчиликнинг турли шаклларида амалда бўлган солиқлар ва уларнинг хусусиятлари, мустақиллик ва солиқ соҳасидаги ислохотлар каби масалаларни қамраб олган. Фаннинг муҳим вазифаси сифатида мамлакатимизда барқарор солиқ тизимини шакллантиришда солиқлар тарихининг аҳамияти, хусусиятлари кенг кўламда ўрганилади.

Предмет и задачи курса "История налогов". Факторы, способствующие появлению налоговых отношений в странах Западной Европы в XIV веке. Особенности развития налогов в странах Востока. Развитие налогов в мире в начале XX века. Создание государственных налоговой системы в России и Туркестане после событий 1917 года. История развития налогов в период 1930-1980 г.г. в бывшем союзе. Развал советского государства в 1991 г. и его влияние на налоговой системы Ўзбекистана. Развитие налоговой системы в Ўзбекистане за период 1995-2002 г.г.

Subject and tasks of a rate "A History of taxes". The factors promoting occurrence of the taxes attitudes(relations) in the countries of Western Europe in XIV century. Features of development of taxation in the countries of East. Development of tax system in the world in the beginning XX of century. Creation of state taxation.

In Russia and Turkestan after events of 1917. A history of development of tax system during 1930-1980 y. In former union. Disorder of the Soviet state in 1991 and his(its) influence on systems of insurance of Uzbekistan. Development of tax system in Uzbekistan the period 1995-2002 y.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашидамухокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

"Солиқ тарихи" фанининг асосий мақсади ва вазифаси ватанимизда солиқ муносабатларини вужудга келиши, уни кишилиқ жамият тараққиётининг турли босқичларида ривожланишини ўрганишдан иборатдир.

Олий ўқув юртлири талабаларида солиқ муносабатларини пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ билимларини шакллантириш, шунингдек, бу билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш олиш "Солиқ тарихи" фанининг асосий вазифасини ташкил этади.

Бу фан талабалардан иқтисодий тарихий билимлар асосини, шу фанлар билан алоқасини ҳамда бу фанни ўрганишда слайдларда ишлаш кўникмалари бўлишини талаб қилади.

"Солиқ тарихи" фани "Ўзбекистан тарихи", "Молия тарихи", "Чет мамлакатлар солиқ тизими" каби фанлар билан бевосита боғлиқ.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма малакаларга талаблар

"Солиқ тарихи" фани бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш "Солиқ тарихи" фанидан "Солиқлар ва солиққа тортиш" бакалаврият йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириш семинар ва амалий машғулотларда ўтказиладиган мунозараларда талабаларнинг фаол эштироки таъминланиши талаб этилади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Талабалар ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларининг мавзуларидан тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб боровчи профессор-ўқитувчи назоратида тайёрлаган ишлари юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 81, шу жумладан, 36-маъруза, 18-амалий, 27-мустақил таълим соатлари ажратилган. "Солиқ тарихи" фани бўйича олинган билимлар талабаларни амалий фаолиятда

учрайдиган муаммоларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, касбий малакаларини оширишларида қўл келади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Солиқ тарихи" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш икки марта оралик, икки марта жорий, ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Солиқ тарихи" фанини ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, диопроектор ва кодоскоплардан, шунингдек, дарс давомида турли жадваллар ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Солиқ тарихи" фани бўйича ўқитиладиган мавзулар

"Солиқ тарихи" фанининг предмети ва вазифалари

"Солиқ тарихи" фанининг предмети ўрганиш усуллари ва вазифалари. "Солиқ тарихи" фанини ўрганишдан мақсад. Фаннинг бошқа ижтимоий гуманитар ва иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси. "Солиқ тарихи" фанини ихтисослик фан сифатида ўрганишнинг зарурий омиллари. Фаннинг объектини ўрганишга хизмат қилувчи манбаалар.

Солиқларнинг пайдо бўлиши

Солиқларни пайдо бўлишига туртки бўлган асосий сабаблар: давлатчиликнинг шаклланиши, давлат харажатларининг ошиб бориши, жамият тараққиёти босқичлари алмашинуви. *Солиқларнинг илк кўринишлари, ундириши усуллари, шакллари, белгилари, жамият ривожланишига таъсири. Солиқлар пайдо бўлишининг мамлакатимиз ҳудудидаги хусусиятлари.*

Ўрта асрларгача бўлган даврда солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши (V асргача)

Ватанимиз ҳудудида илк давлатчилик тузилмаларининг пайдо бўлиши ва улардаги солиқлар. Марказий Осиёдаги қадимги давлатлар: Салавкийлар, Кушон, Парфия давлатлари, Юнон-Бақтрия, қадимги Фарғона подшоликлари давридаги солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши. *Солиқларни ушбу давлатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири.*

Ўрта асрлар даврида солиқларнинг ривожланиши (V-VII асрлар)

Ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши ва бу жараёнда солиқларнинг ривожланишидаги хусусиятлари. Эфталитлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида солиқлар. *Турк ҳоқонлигида солиқлар.*

Араблар истилоси даврида солиқларнинг ривожланиши (VII-VIII асрлар)

Қуръони Каримда иқтисодий кўрсатмалар. Мамлакатимиз ҳудудининг Араб истилочилари томонидан забт этилиши ва солиқлар борасидаги ўзгаришлар. Солиқларнинг мамлакат ижтимоий - иқтисодий ҳаётига таъсири. *Солиқларнинг ислом динини тарғиб этишидаги роли.*

Марказий Осиёда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ва солиқларнинг ривожланиши (IX-XIII асрлар)

Марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ва солиқ тизими ўзгаришларига бўлган зарурат. Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврларида мавжуд бўлган солиқлар ва уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири. Қорахонийлар, Ғазнавийлар, *Салжуқийлар ва Хоразмишоҳлар давлатларида амал қилган солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари.*

Мўғуллар истилоси даврида солиқлар

Марказий Осиёни-мўғуллар томонидан забт этилиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Мўғуллар томонидан жорий этилган солиқлар: "Калон", "Қоп чур", "Шулси", "Ел" ва бошқалар. *Жорий этилган солиқларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири.*

Амир Темур ва темурийлар даврида солиқлар

Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти. "Темур тузуклари"да солиқларнинг ифодаланиши. Темурийлар даврида солиқларни ҳисоблаш қоидаларининг ўзига хослиги, янги ерларни ўзлаштиришни рағбатлантириш мақсадида жорий этилган солиқ имтиёзлари, солиқ тизимини тарихан шаклланган мамлакатларда ундирилиши, солиқ ундириш усулларининг хилма-хиллиги солиқ ундиришда улардан самарали фойдаланиш ҳисобига муваффақиятга эришилганлиги. Савдо ва ҳунармандчиликни ривожланиши ва бундай фаолиятларга жорий этилган солиқлар. *Солиқларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири.*

Шайбонийхон ва хонликлар даврида солиқлар

Шайбонийхоннинг ҳокимиятни эгаллаши ва бу даврда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар. Марказий Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиш сиёсий-иқтисодий сабаблари: Бухоро амирлиги, Хоразм ва Кўкон хонликларининг ташкил топиши ва уларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар. Бухоро амирлиги ва хонликлар даврида амалда бўлган солиқлар, уларни ҳисоблаш ва ундириш тартиблари.

Классик иқтисодий мактаб вакилларининг солиқлар борасидаги қарашлари ва уларни Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамияти

Классик иқтисодий мактабнинг вужудга келиши. *А. Смит, В. Петти ва Д. Рикардоларнинг иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши.* Классик иқтисодий мактабининг намоёндалари ва бошқалар иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши. Ғарбий Европа мамлакатларида саноатнинг ривожланиши ва солиққа тортишнинг янги объектларининг очилиши. Солиқларнинг давлатлар иқтисодий фаолиятига таъсири. Турли хил иқтисодий қарашларда солиқлар борасидаги фикрларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

Марказий Осиёда мустамлакачилик (Чор Россияси) даврида солиқ сиёсати

Чор Россиясининг Марказий Осиёдаги иқтисодий сиёсати. 1917 йилга қадар Марказий Осиёда жорий этилган солиқлар. Марказий Осиё ҳудудида саноат, темир йўл ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши, солиққа тортишдаги ўзгаришлар. *Чор Россиясининг солиқ сиёсатида маҳаллий халқнинг эътибори, норозиликлар.*

Кейнсчилик, монетаризм, институционализм ва бошқа мактабларнинг иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши

Капиталистик мамлакатларни ларзага солган буюк турғунлик даврининг иқтисодий қарашлардаги сифат ўзгаришлар. Ж.М. Кейнснинг "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида солиқларнинг талқини. Янги кейнсчилик ғояларида солиқларнинг намоён бўлиши. Монетаризм концепциясида солиқлар борасидаги фикрлар. Институционализм назариясида солиқлар борасидаги фикрлар, янги иқтисодий мактаблар иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши.

Собиқ Иттифоқ даврида солиқ сиёсати

Октябр тўнтарилишидан кейинги иқтисодий сиёсат. Собиқ Иттифоқда мавжуд солиқларга танқидий жиҳатдан ёндашиш. Коммунистик мафкура ва солиқлар

ўртасидаги зиддият. *Собиқ Иттифоқ давридаги солиқ ислоҳотлари*. 1917 йилдан 1991 йилга қадар собиқ Иттифоқда солиқ тизими ҳамда солиқ ислоҳотлари.

Мустақиллик ва солиқ соҳасидаги ислоҳотлар

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши. Иқтисодий ислоҳотлар, солиқ соҳасидаги ислоҳотлар. "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги қонун, "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги қонун ва бошқа солиққа доир меъёрий ҳужжатларнинг тарихий аҳамияти. 1991-1994 йиллардаги солиқ ислоҳотлари, 1995-1998 йиллардаги солиқ ислоҳотлари. *Солиқ кодекси қабул қилинишининг тарихий аҳамияти, солиқ ислоҳотларининг мамлакат иқтисодий ҳаётига таъсири*.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

"Солиқ тарихи" фанининг предмети ва вазифалари

"Солиқ тарихи" фанининг предмети, ўрганиш усуллари ва вазифалари. "Солиқ тарихи"ни ўрганишдан мақсад. Фаннинг бошқа ижтимоий-гуманитар ва иқтисодни фанлар билан ўзаро алоқаси. "Солиқ тарихи" фанини ихтисослик фан сифатида ўрганишнинг зарурий омиллари. Фаннинг объектини ўрганишга хизмат қилувчи манбаалар.

Солиқларнинг пайдо бўлиши

Солиқларни пайдо бўлишига туртки бўлган асосий сабаблар: давлатчиликнинг шаклланиши, давлат харажатларининг ошиб бориши, жамият тараққиёти босқичлари алмашинуви. Солиқларнинг илк кўринишлари, ундириш усуллари, шакллари, белгилари, жамият ривожланишига таъсири. Солиқлар пайдо бўлишининг мамлакатимиз ҳудудидаги хусусиятлари.*

Ўрта асрларгача бўлган даврда солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши (V асргача)

Ватанимиз ҳудудида илк давлатчилик тузилмаларининг пайдо бўлиши ва улардаги солиқлар. Марказий Осиёдаги қадимги давлатлар: Салавкийлар, Кушон ва Парфия давлатлари, Юнон-Бактрия, Қадимги Фарғона подшолиги, давридаги солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Солиқларни ушбу давлатлар ижтимоий - иқтисодий ҳаётига таъсири.*

Ўрта асрлар даврида солиқларнинг ривожланиши (V-VII асрлар)

Ерга эгаллик муносабатларининг шаклланиши ва у жараёнда солиқларнинг ривожланишидаги хусусиятлари. Эфталитлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида солиқлар.* Турк ҳоконлигида солиқлар.

Араблар истилоси даврида солиқларнинг ривожланиши (VII-VIII асрлар)

Қуръони Каримда мавжуд иқтисодий кўрсатмалар. Мамлакатимиз ҳудудининг Араб истилочилари томонидан забт этилиши ва солиқлар борасидаги ўзгаришлар.* Солиқларнинг мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳаётига таъсири. Солиқларнинг ислом динини тарғиб этишдаги роли.

Марказий Осиёда марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ва солиқларнинг ривожланиши (IX-XIII асрлар)

Марказлашган давлатларнинг ташкил топиши ва солиқ тизими ўзгаришларига зарурат. Тоҳирийлар ва Сомонийлар даврларида мавжуд бўлган солиқлар ва уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида солиқлар.

Мўғуллар истилоси даврида солиқлар

Марказий Осиёни мўғуллар томонидан забт этилиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Мўғуллар томонидан жорий этилган солиқлар: "Калон", "Қопчур", "Шулси", "Ел" ва бошқалар. Жорий этилган солиқларнинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири.*

Амир Темур ва темурийлар даврида солиқлар

Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши, мамлакат иқтисодий ҳаёти. "Темур тузуклари" да солиқларнинг ифодаланиши.* Темурийлар даврида солиқларни ҳисоблаш қоидаларининг ўзига хослиги, янги ерларни ўзлаштиришни рағбатлантириш мақсадида жорий этилган солиқ имтиёзлари, солиқ тизимини тарихан шаклланган мамлакатларда ундирилиши, солиқ ундириш усулларининг хилма-хиллиги солиқ ундиришда улардан самарали фойдаланиш ҳисобига муваффақиятга эришилганлиги. Савдо ва ҳунармандчиликни ривожланиши ва бундай-фаолиятларга жорий этилган солиқлар.* Солиқларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири.

Шайбонийхон ва хонлиқлар даврида солиқлар

Шайбонийхоннинг ҳокимиятни эгаллаши ва бу даврдаги мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар. Марказий Осиёнинг хонлиқларга бўлиниб

кетишнинг сиёсий-иқтисодий сабаблари: Бухоро амирлиги, Хоразм, Қўқон хонликларининг ташкил топиши ва уларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар. Бухоро амирлиги ва хонлиқлар даврида амалга бўлган солиқлар, уларни ҳисоблаш ва ундириш тартиблари.

Классик иқтисодий мактаб вакилларининг солиқлар борасидаги қарашлари ва уларни Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишидаги аҳамияти*

Классик иқтисодий мактабнинг вужудга келиши ва унинг вакиллари У. Петти ва физиократларнинг солиқлар борасидаги қарашлари.* Классик иқтисодий мактабнинг ривожланиши, унинг вакиллари: А. Смит, Д. Рикардонинг иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши. Классик иқтисодий мактабнинг намояндалари ва бошқаларнинг иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши. Ғарбий Европа мамлакатларида саноатнинг ривожланиши ва солиққа тортишнинг янги объектларининг очилиши. Солиқларнинг давлатлар иқтисодий фаолиятига таъсири. Турли хил иқтисодий қарашларда солиқлар борасидаги фикрларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

Чор Россиясининг Марказий Осиёда мустамлакачилик (Чор Россияси) даврида солиқ сиёсати

Чор Россиясининг Марказий Осиёдаги иқтисодий сиёсати.* 1917 йилга қадар марказий Осиёда жорий этилган солиқлар. Марказий Осиё ҳудудида саноат, темир йўл ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши, солиққа тортишдаги ўзгаришлар. Чор Россиясининг солиқ сиёсатида маҳаллий халқнинг эътибори, норозиликлар.

Кейнсчилик, монетаризм, институционализм ва бошқа мактабларнинг иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши

Капиталистик мамлакатларни ларзага солган буюк турғунлик даврининг иқтисодий қарашлардаги сифат ўзгаришлар. Ж.М. Кейнснинг "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида солиқларнинг талқини. Янги кейнсчилик ғояларида солиқларнинг намоён бўлиши.* Монетаризм концепциясида солиқлар борасидаги фикрлар. Институционализм назариясида солиқлар борасидаги фикрлар, янги иқтисодий мактаблар иқтисодий қарашларида солиқларнинг намоён бўлиши.*

Собиқ Иттифоқ даврида солиқ сиёсати

Октябр тўнтарилишидан кейинги иқтисодий сиёсат. Собиқ Иттифоқда солиқларга танқидий жиҳатдан ёндашиш. Коммунистик мафкура ва солиқлар

ўртасидаги зиддият.* Собиқ Иттифоқ давридаги солиқ ислоҳотлари. 1917 йилдан 1991 йилга қадар собиқ Иттифоқнинг солиқ тизими, солиқ ислоҳотлари.

Мустақиллик ва солиқ соҳасидаги ислоҳотлар

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши. Иқтисодий ислоҳотлар, солиқ соҳасидаги ислоҳотлар, "Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги қонун, "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида" ги қонун ва бошқа солиққа доир меъёрий ҳужжатларнинг тарихий аҳамияти. 1991-1994 йиллардаги солиқ ислоҳотлари, 1995-1998 йиллардаги солиқ ислоҳотлари. Солиқ кодекси қабул қилинишининг тарихий аҳамияти, солиқ ислоҳотларининг мамлакат иқтисодий ҳаётига таъсири.*

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

"Солиқ тарихи" фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш белгиланган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Графпроектор;
6. Интернет сайтлари:

- (e-mail: mail@finstat.ru)
- (e-mail: valeo@etel.ru)
- (<http://www.alpbook.ru/>)

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 фоиз ва ундан юқори фоиз миқдорида балл тўплаган талаба қониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси -Т.: Адолат, 2002.
3. И.А. Каримов Ўзбекистон Буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А. Каримов Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Брызгалин А. Налоги и налоговое право. -М.: Аналитика пресс, 1999.
6. Налоги и налогообложение. Практикум. Учеб. пос.. Колчин С. П. - М.: Финстатинформ, 2000.
7. Йўлдошев Т., Турсунов С. Солиқхуқуқи. -Т.: Молия, 2000.
8. Шаулов Д., Кан У. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
9. Хван Л. Солиқ хуқуқи -Т.: Консаудитинформ, 2000.
10. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти -Т.: F.Ғулом, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида". Солиқ тўловчининг журнали 2000 й. (6-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида" ги 1999 йил 31 декабрдаги фармони. // "Халқ сўзи" газетаси 2000 й (1 январь).

3. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари –Т.: Академия, 2002 й.
4. Маликов Т. Солиқ тизими: вазиятга бир назар. // Жамият ва бошқарув, № 2.
5. Яҳёев Қ. Солиқларнинг мажбурийлик принципи. // Солиқ тўловчилари журнали № 9 1998.
6. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: 2000.
7. Яҳёев Қ. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими –Т.: Мехнат. 1998.
8. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш имтиёзлари керакми? // Солиқ тўловчининг журнали, 1998.
9. Шаулов Д., Кан У. Солиқ қонунчилиги асослари –Т.: 1999.
10. Акрамов Э., Тоиров А. Экономические реформы Республики Узбекистан -М.: ТОО. Люкс-арт. 1998.